

**CHO`LPONNING SHE`RLARIDA ERK, OZODLIK VA O`ZLIK MASALALARI****Gadayeva Mohigul Muxamedovna**

Osiyo xalqaro universiteti

Tarix va filologiya kafedrasi o`qituvchisi.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15027044>

**Аннотация.** Уибӯ маколада жадидчилик харакатининг эркин намоёндаларидан бири-«Чўлпон» таҳаллуси билан шуҳрат топган Абдулҳамид Сулаймоннинг хаёти ва унинг шерларида акс эттирилган эрк озодлик ва ўзлик масалалари ҳакида сўз боради.

**Калим сўзлар:** жадидчилик харакати, зиёли, шеърий ёзишмалар, шеърий ёзишмалар, адабий-маданий муҳимт.

**ISSUES OF FREEDOM, FREEDOM AND IDENTITY IN THE POEMS OF CHOLPON**

**Abstract.** This article discusses the life of Abdulhamid Sulayman, one of the free representatives of the Jadid movement, who became famous under the pseudonym "Cholpon", and the issues of free will, freedom and identity reflected in his poems.

**Keywords:** Jadid movement, intellectuals, poetic correspondence, poetic correspondence, literary and cultural environment.

**ВОПРОСЫ СВОБОДЫ, СВОБОДОЛЮБИЯ И ИДЕНТИЧНОСТИ В СТИХОТВОРЕНИЯХ ЧОЛПАН**

**Аннотация.** В статье рассматривается жизнь Абдулхамида Сулаймана, одного из самых свободных представителей джадидского движения, прославившегося под псевдонимом «Чолпон», и вопросы свободы и идентичности, отраженные в его стихах.

**Ключевые слова:** джадидское движение, интеллигенция, поэтическая переписка, поэтическая переписка, литературно-культурная среда.

«Чўлпон» таҳаллуси билан шуҳрат топган Абдулҳамид Сулаймон 1897 йилда Андижон шаҳрининг Қатортерак маҳалласида дунёга келди. Отаси Сулаймон Мулла Муҳаммадионус ўғли (1874—1929) баззоз эди. Баззоз — газламафуруш дегани. Таҳмин қилиш мумкинки, оила ўзига тўқ бўлган. Маълумотларга қараганда, Сулаймон баззоз замонасининг кўзи очик зиёлиларидан бўлиб, «Расво» таҳаллуси билан шеърлар ёзган, ҳатто девон тартиб қилган. Ўғли Чўлпон билан шеърий ёзишмалари бўлганини нақл киладилар. Хонадонда замоннинг олиму фозиллари тез-тез бўлиб турганлар.

Абдулҳамид дастлаб эски мактабда, сўнг Андижон, Тошкент мадрасаларида ўқиуди. Шунингдек, Андижондаги рус-тузем мактабида ҳам таҳсил олган. Ёшлиқдан матбуот билан танишиб борган.

Бўлажак шоирнинг шаклланишида айрича роль ўйнаган ҳодисалардан бири унинг Заки Валидий (1890-1970) билан танишуви бўлди. 1912 йилда Заки Валидийнинг «Турк ва татар тарихи» деган китоби босилади. Китоб қисқа муддатда катта шуҳрат топади. «Турк юрду» (Туркия), «Таржимон» (Крим), «Вакт» (Оренбург) мақолалар беради. Машхур Бартольд муаллифни Петербургга таклиф этади. Қозон университети тарих ва археология жамиятига аъзо қилиб олади. Туркистондан таниқли маърифатчи Ашурали Зоҳирий ва Қўқон хони оғалиқзодаси Юнусхожи Оғалиқов Заки Валидий билан яқиндан танишиш ва сұхбатлашиш учун Бошқирдистонга борадилар. Беҳбудий Туркистон тарихини ёзишни биргина унга ишониб топшириш мумкинлигини матбуотда ёзиб чиқади ва ёш олимни Самарқанд мадрасаларига таклиф этади. 15 яшар Абдулҳамид ҳам бу китобни ўқиб чиқади. Таъсирланиб, муаллифига миннатдорчилик мактуби ёзади, Андижонга таклиф этади. Тақдирнинг тақозоси билан Қозон университети Заки Валидийни 1913 йилнинг охирларида Фарғона водийсига илмий сафарга юборади. Олим Андижонда экан, Назир Тўрақул (машхур Назир Тўрақулов, давлат ва жамоат арбоби) билан бирга Абдулҳамидлар уйида бўлади ва бу алоқа Заки Валидий яширин фаолиятга ўтган 1920 йилга қадар давом этади.

Ёзувчи В. Ян ўз хотираларида («Советская энциклопедия»да Чўлпон ҳақида мақола ёзиш жараёнида у билан сұхбатлашган эди) шоирнинг отаси уни мударрис қўлмоқчи бўлгани, лекин у мадрасада бир дунё кўрган зиёли билан танишиб, фикри тамом ўзгаргани, «адабий-сиёсий ишларга қизғин ҳавас уйғониб», «ўзбек миллий ўқувчиси бўлишга қарор бергани», айни пайтда, барча ёшлар сингари Фитрат таъсирида юргани ҳақида ёзган эди. МХХ архиви хужжатларидан ҳам унинг Абдурауф Фитратга алоҳида ихлоси борлиги маълум бўлади. Жумладан, у Фитратни 1913 йилдан ғойибона таниган.

Илк бор Самарқандда Фитрат муҳаррирлик қилган «Ҳуррият» таҳририятида учрашганлар. 1919 йилдан бутун фаолиятлари ҳамкорликда, ҳамфирликда кечган. Хуллас, Чўлпоннинг матбуотдаги дастлабки шеър ва мақолалари 1914 йилдан кўринади. «Садойи Туркистон» газетаси 1914 йил 14 апрель сонида «15 яшар Абдулҳамид афанди»нинг «Туркистонли қардошларимизга» шеърини муштариylарига ҳавола этар экан, ўқувчиларни «ёшгина қалби ила ёруғлик ва илм-маориф йўлига бошлаган»идан мамнунлигини яширгага катта умид билдирган эди.

Мутахассисларнинг аниқлашларича, «Садойи Туркистон»нинг 1914 йил 29 апрель сонида чоп этилган «Қурбони жаҳолат» ҳикояси Чўлпоннинг биринчи насрый асаридир.

Дастлабки асарлари «Абдулҳамид Сулаймон», «Абдулҳамид Сулаймоний» имзолари билан босилди. Сўнгроқ «Қаландар», «Мирзақаландар» ва нихоят, «Чўлпон» таҳаллуслари билан чиқди. Тарихимизга Чўлпон номи билан кирди.

1919 йилда Тошкентда Фитрат ёнида бўлган, «Чиғатой гурунги»да иш олиб борган.

1920 йилнинг августида Бокуда бўлиб ўтган Шарқ халқлари қурултойида иштирок этади.

Адибнинг 1927 йилда ўзбек зиёлиларининг қурултойига ёзган аризасидан шу йиллари ТуркРоСТАда, «Иштирокион», «Қизил байрок», «Туркистон», «Бухоро ахбори» газеталарида масъул лавозимларда ишлагани маълум бўлади. Тахмин қилиш мумкинки, у Бухорода Фитрат ҳукумат таркибида ишлаб турган 1920-1923 йилларда хизмат қилган. Зиё Сайд унинг бир муддат 1920-1922 йилларда чиқиб турган «Бухоро ахбори»да масъул муҳаррир бўлганини қайд этади. Заки Валидий хотиралари ҳам унинг 1921-1922 йилларда Бухорода яшаганини тасдиқлайди. 1922 йилда Тошкентда чоп этилган «Ўзбек ёш шоирлари» шеърий тўплами (антологияси)да унинг 14 шеъри босилиб чиқади. Шу йили «Уйғониш» номи билан унинг биринчи шеърий тўплами эълон қилинади. 1923 йилнинг бошларида эса, иккинчи шеърий тўплами «Булоқлар» нашрдан чиқади.

Проф. Озод Шарафиддинов Чўлпоннинг 1924 йилда Москвада Маориф уйи қошидаги ёш ўзбек артистларининг маҳоратини ошириш учун ташкил қилинган драматик студиянинг адабий эмақдоши ва раҳбарларидан бири бўлганини маълум қиласди. Заки Валидий «...сўнг замонларда Москвада адабиёт ва санъат институти ёхуд академиясида ҳам таҳсил олган», дейдик, ҳар икки маълумот моҳиятан бир-бирига яқин. Бу йиллар, дарҳақиқат, Чўлпон учун таҳсил йиллари бўлди. Москва адабий-маданий мухити билан яқиндан танишди. Театр ва театрчилик сирларини ўрганди. 1926 йилда учинчи шеърий тўплами «Тонг сирлари» ва «Ёрқиной» пьесаси чоп этилди. Бу даврга келиб у замонасининг энг машҳур шоири бўлиб танилди.

Шу тариқа 1927 йил кириб келди. Шўро ҳукумати ижтимоий уйғониш байроғи остида миллий уйғонишга қарши ҳал қилувчи ҳужумга ўтди. Даврнинг биринчи миллий шоири Чўлпон зиёлилар қурултойидан ҳайдаб чиқарилди. Қийин-қистов кунлар бошланди. Асалари минг бир чиғириққа солинди. Босилган шеърлари устидаги «ур калтак» кучайгандан кучайди. Дастрлаб «ғоясиз» дейиш билан чекланилган бўлса, энди уларни «зараарли», муаллифни эса, очиқдан-очиқ «душман» дея бошладилар. Шоир қанд касалига мубтало бўлди. Замон оғирлашиб борди. Боту қамадди. Мунавварқори отилди...

Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, 1931 йилда Чўлпон Файзулла Хўжаев томонидан Москвага жўнатиб юборилади ва тадбиркор раҳбар шу йўл билан шоирни бир муддат сақлаб қолади. Чўлпон 1932—1934 йилларда Москвада яшади. СССР Марказий Ижроия Комитети аппаратида таржимон бўлиб ишлади. Бадиий таржима билан ҳам шуғулланди. Шекспирнинг «Ҳамлет», Карло Годдининг «Маликаи Турондот» асаларини таржима қилди. «Кеча ва кундуз» романини ёзди.

У Тошкентга 1935 йилда қайтиб келди. Шоир атрофидаги гап-сўзлар, таҳқир ва таъкиб ҳамон давом этарди. Шуларга қарамай, у буюк бир сабот ва ирода билан оригинал асарлар ёзар, таржималар қиласар эди. У машъум 1937 йилга қадар, бор-йўғи 2 йил оралиғида «Кечва кундуз» романини ҳамда «Соз» шеърий тўпламини нашрдан чиқарди.

«Жўр» шеърий тўпламини босмага топширди. Горькийнинг «Она» романини, «Егор Буличев» пьесасини, Пушкиннинг 25 шеъри ва «Дубровский», «Борис Годунов» асарларини, Лохутийнинг «Европа сафари»ни таржима қилди.

Чўлпон 1937 йилнинг кузида қамоққа олиниб, 1938 йил 4 октябрда отиб ташланади.

Чўлпоннинг тўрт томлик танлаган асарлари тўплами қўйидаги асарлардан иборат: «Ёдномалар» – Бу асар Чўлпоннинг энг машҳур шеърий тўпламларидан биридир.

Унда шоирнинг ўз даврига бўлган муносабати, умуман ҳаётга, инсониятга бўлган қарашлари акс этади.

«Қиссалар» – Бу тўпламда Чўлпоннинг қисқа ҳикоялари ва қиссалари жамланган.

Асарларида одамзоднинг руҳий ҳолати, жамиятдаги ўзгаришлар, инсониятнинг дахлсизлиги мавзулари ёритилган.

«Дунё ва мен» – Чўлпоннинг фалсафий асари бўлиб, унда шоир ўзининг дунёқараси, ҳаётга бўлган муносабати, инсоният ва табиат ўртасидаги боғлиқликни тасвирлайди.

«Ижодиёт» – Бу тўпламда Чўлпоннинг турли жанрлардаги асарлари, шу жумладан шеърлар ва драматик асарлар келтирилган. Шоирнинг ижодий дунёси, унинг замонавий адабиётга қўшган ҳиссаси ҳакида фикрлар мавжуд. Ушбу асарлар Чўлпоннинг турли жанрларидаги ижодини кенгроқ тушунишга ёрдам беради ва унинг адабиётга бўлган катта ҳиссасини кўрсатади. Чўлпон ўз асарлари орқали халқни уйғонишга, жамиятдаги нохуш ҳолатларга қарши курашишга, тенглик ва эркинлик учун фаол бўлишга чакирди. У ўзининг "Ақл ва тафаккур" каби мақолаларида халқни билимга ва тараққиётга унданаган.

Ҳар шеърида эрк, озодлик, адолат истагини, халқнинг ҳуқуқдарини, мустақилликка элтгувчи маънавият сўқмоқларини Чўлпон шоирнинг нечоғлик чукур идрок этгани айниқса, бугунги истиқлол авлодларини ҳайрат ва ҳаяжонга солади.

20-йиллар ўзбек шеъриятининг чинакам Чўлпон давридир.

У шеъриятга жуда эрта кириб келди. Илк шеърлариданоқ миллий шоир сифатида танилди. Масалан, бизга маълум бўлган ва матбуотда чоп этилган ilk шеъри «Туркистонли қардошларимизга» ўксик Ватан — Туркистон жароҳатлари ҳакида эди. Чунончи, «маърифатсизлик балосига йўлиқкан», фойда-заарини унуглан, яхши-ёмонини танимайдиган, тор манфаатлари доирасида кўмилиб қолган, «топганини бошқаларга бериб», ўзи «оч-яланғоч» қолган, бир сўз билан айтганда, миллат сифатида адойи тамом

бўлган «бизни ҳалқ» ҳақида эди. Исмоилбек Гаспринский вафотига бағишилаб ёзган марсиясида буюк ислоҳотчининг «ўйғотгувчи устод» лигига диққатни қаратди. 1917 йил 28 ноябрдаги «Туркистон мухторияти»ни олқишилаб чиқди, уни «озод турк байрами» сифатида қабул қилди. Унга меҳру муҳаббатини изхор этди. Уни қўлга киритган Ватан ва ҳалқни шарафлади:

*Мухторият олинди,  
Ишлар йўлга солинди.  
Миллий маршлар чолинди,  
Душман ўртансун энди!  
Хуррият — байрогимиз,  
Адолат — ўртогимиз,  
Хурсанд бўлган чогимиз,  
Мевалансун богимиз!  
Туркистонли — шонимиз, туронли — унвонимиз,  
Ватан — бизни жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!*

Вазият мураккаб эди. Шўро мағкураси ислом дунёсининг энг нозик нуқтасидан — мусулмончиликнинг фақирпарварлигидан ғоят усталик билан фойдаланиб, Туркистоннинг зиёлилари қалбини забт эта борди. Шоирнинг 1918 йилда «Низомиддин Асомий ўртоққа» бағишиланган ва ўша йили Туркистон Компартияси ва Марказий Ижроия қўмитаси органи «Иштирокиён»да чоп этилган «Қизил байроқ» шеърини ҳамда ундаги «мазлум ишчилар» билан «қонхўр буржўйлар» муқоясасини бошқача изоҳлаш мумкин эмас. Лекин шоир кўп ўтмай, жуда кўп замондошлари сингари алданганини англаб етди. Эътироф эътиrozга, у эса ўз навбатида, эътизорга айланиб борди. Бу Чўлпон ижодий тақдирига хос муҳим ва мураккаб бир ҳолдир.

Шоир совет ҳокимияти зўрайиб, эркин фикр қийин-қистовга тушаётган 1926 йилда учинчи ва «Соз»ни ҳисобга олмаганда, сўнгги шеърий китобига қуйидаги сермаъно сатрларни эпиграф қилиб келтирган эди:

*Бир эсиб ўтдилар «Уйгонии» еллари,  
Бир қайнаб тошдилар кўзёши — «Булоқлар».  
Эй, тонгда қалтираб ўйнашган япроқлар,  
Тек туринг, ёйилсан энди «Тонг сирлари».*

Ҳақиқатан ҳам, 1916 йил мардикорлик воқеалари, 1917 йилда оқ подшонинг таҳтдан ағдарилиши, олинган ва бой берилган ис-тиқлол, 20-йилларнинг жангу жадаллари миллатни ўғотди. Севинч ва алам ёшлари тўкилди. «Булоқлар» ўша кўз ёшлардир.

Ҳаммаси ўтди. Энди ўтганни англамоқ ва англатмоқ замонидир. «Сирлар»ни очмоқ замонидир. Шоир «тонгда қалтираб ўйнашган япроқлар»ни — гофил, чорасиз авлодни тинглашга, идрок этишга ундаиди.

Чулпон ижодининг мавзуи - Ватан ва Миллат ташвишлариридир, Туркистоннинг туганмас дардидир. Шоир она юртининг ажаб манзарасини чизади. Ўқувчининг кўз ўнгига «тоғлари кўкларга салом берган», «салқин сувлари учмохларнинг кавсариdek покиза», бўлиқ-маҳсулдор қир-адирлари маъсум гўдак хаёлидек кўз етмас, адо бўлмас Туркистон пайдо бўлади. Бироқ шоир — дилгир, маҳзун. Шоир эмас, тўғрироғи, у чизиб берган манзара маҳзун. Гап шундаки, жаннатдек бу ўлка ваҳшиёна топталган: «кўм-кўк гўзал ўтлоклар босилган», уларни тўлдирган пода-йилқилар йўқ, отлар кишнамайди, қўйлар маърамайди. Қизлар, келинлар тоғ-тошга беркинган. Ватан бегоналар оёги остида.

Шунинг учун ҳам сувлар тошдан-тошга урилиб, нола қиласи, булоқлар инг-райди, минг битта ҳадик билан ирмоққа қуйилади. Шонли тарих, эрк ва истиқлолни ҳар нарсадан муқаддас тутган, қулиқка ҳеч қачон бўйин эгмаган оталар шиҷоати эсга тушади. Шоир «от чопганда учар қушни тутгувчи» йигитларни, «Тоғ эгаси сор бургутлар»ни кидиради.

Ўлкага хитобан, уни кўп йиллардан буён «бағрини эзиб», «эгасини бир қул каби янчиб келган» «ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар»га «кет!» дейишини, «кўлларига эрк бер»ишини, яъни қиличини қиндан олишини истайди. Уни тинимсиз сўроққа тутади. Зулм ва хўрликка, таҳқир ва маломатларга жавобан «ўч булути»нинг «селларини ёғдир»ишини истайди.

Унингча, шўро тузуми ва рус истибоди бошқа-бошқа нарсалар эмас. Бири иккинчисининг бевосита давомидир. Шакли ва воситалари ўзгарган, холос. Бу — мухим нуқта,

«Кўзғалиш» шеърида ёзади:

*Эй! Сен мени ҳақир кўрган, тубан деган афанди!*

*Эй! Устимда бир умрга хўжса бўлмоқ истаган.*

*Эй! Бўйнимга кишин солиб, ҳалокатга судраган,*

*Кўзларингни заҳарлатиб ўйнатмагил, бас энди!*

*Кишинларинг занг босгандир, сергак бўлким, узилур,*

*Томиримда кўзғалишининг ваҳший қони гупурди.*

*Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди.*

*Ё битарман, ёки сенинг салтанатинг бузилур!*

*Эй! Сен мени қул ўрнида ишлатгувчи афанди,*

*Титра, қўрқим, боғлиқ қулинг бош кўтарган куч энди!*

Бу фикр-түйғулар, шоирдаги әхтирос тұла ғазаб ва нафрат шүролар даврида тарбия топған ўкувчи учун шамол тегирмөнларга дағдаға қилаётган Дон Кихоттинг жазаваси бўлиб туюлиши мумкин. Лекин, аслида, шоир вазиятни жуда теран англаған эди.

Дарҳакиқат, шүролар ўз ҳаёт фалсафалари билан Туркистан ҳәстини алғов-далғов қилиб юбордилар. Синфий кураш деган гап ўзбек жамиятини қоқ иккига бўлиб ташлади.

Отани болага, акани укага душман қилиб қўйди. Мана бу сатрларга эътибор қиласайлик:

*Бир юртким, бешийлодир қонларга беланган,*

*Отаси ўглини «душиман» деб бўғадир.*

*Сўнг бурда нони ҳам қолмасдан таланган,*

*Ёш гўдак боласи: «Бир бурда нон!» дейдир.*

*Очлик ҳам ҳар куни «қурбонлик» сўрайдир,*

*Ҳар куни унга ҳам юзларча қурбонлар.*

*Қирилиб туталиши даҳшати ўрайдир,*

*Янами бехуда гуноҳсиз, соғ қонлар?*

(«Қурбон»)

Ёки:

*Қип-қизил қон бўлиб*

*Кунлар ботадир...*

*Ёмон ҳидга тўлиб,*

*Тонглар отадир...*

*Оғир кунлар тушди меним бошимга.*

(«Қиз қўшиғи»)

Бир томонда, эрк, мустақиллик учун кетаётган шафқатсиз кураш, иккинчи томонда, очлик-қаҳатлик. Бир томонда, миллат ичидаги яратилган «синфий кураш», иккинчи ёқда жаҳолат, мутаассиблик. Хуллас, тўрт томон ҳам ихоталанган. Шоирни бу ҳол ларзага солади. У «қирилиб тугалиш даҳшати»дан ларзага тушади.

Айни пайтда, бу курашларнинг ҳар бири ҳаёт-мамот кураши эди. Бири иккинчиси билан чамбарчас боғланиб кетган эди. Лекин аҳамиятига кўра энг муҳими истиқлол, эрк учун кетаётган кураш эди. Бу улуғ йўл эди. Шоир ўз шеърларидан бирини «Улуғ йўлда» деб номлаган эдик, бежиз эмас:

*Йўлимизда чўллар, сувлар, денгизлар,*

*Босгувчисин таниб бўлмаслик излар.*

*Шул изларни босиб, денгизлар кечиб,*

*Буюк амал билан борамиз бизлар.*

Юракдаги сақлаб борган амаллар,  
Йўллардаги денгизлардан улуғроқ.  
Эзилганлар тилак тилар бу йўли  
Бурунгидан тўлугроқ.

Маҳкам қилиб боғланилган камарлар!...

Тезрак!

Қанот!

Кушлар янглиғ учайлик.

Кенг чўллардан, денгизлардан кечайлик

Шарқнинг эски чигалини ечайлик!

Шеърда мақсад у қадар пардаланган эмас. Улуг йўл — озодлик йўли. Сувлар, денгизлар, чўллар — бу йўддаги қийинчиликлар. Буюк амал — буюк кураш. Юракларда сақланган амалларнинг денгизлардан улуғлиги саботга, қатъиятга ишора. Тилакнинг бурунгидан тўлиқлиги — бу курашнинг олдингиларига ўхшамаганлиги. Камарларнинг маҳкам боғланилиб, шитоб исташ курашнинг шиддатини англатади.

Шоир «Виждон эрки» шеърига «Тутқунларга» деб изоҳ берган. «Эзилган», «қийналган йўқсил эллар»га, «бевалар», «бечоралар»га, «кишанларга боғланган» «эрк учун оворалар»га мурожаат этар-кан, золимларга ялинмасликка ундаиди. Чунки «бўрилардан омон кутмоқ» «тентакларнинг иши». Зулм олдида ҳамма нарса, эҳти-мол бўйин эгар. Зулм авжга минса, осмон узилиб ерга тушар, лекин золим ҳеч қачон эркин виждонларни забт эта олмайди. Уларгина мағлуб бўлмайдилар. Шу тариқа, у ватандош ва миллатдошларини юксак виждон билан яшашга ундаиди. Ўлиш керак бўлса, номус ва виждон билан умрни якунламокликларини орзу қиласди.

Эрк йўли — оғир йўл, узоқ йўл. Лекин бу йўлга кирганларнинг ғайрат ва истаги ҳам қудратли, ҳам саботли. Муҳими, бу истак — пок истак. Гап бу халқнинг ўз юртига эгалик қилишдек она сутидай ҳалол ва покиза ҳаққи-хуқуқи борасида кетмоқда. Бу хукуқ кеча хаёлга келиб, бутун талаб қилинаётган бир нарса эмас, аждодлардан мерос қолдирилган бурчdir. «Юрт йўли» (1922) шеърида шу ҳақда гап кетарди.

1921 йилда Бухорода ёзилган «Халқ» шеъри шоир фикр-қарашларини аниқлашда бениҳоя муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф, биринчидан, халқнинг буюк куч эканлигини яхши англайди. Иккинчидан, ўлканинг озод бўлиб, мустақиллик олишини унинг истаги ҳисоблайди. Учинчидан, ижод аҳлини унинг билан ҳамиша бирга бўлишга, ўзи айтмоқчи, «қучоқ очиб халқ ичига» киришга ундаиди:

*Халқ дengизdir, халқ тўлқинdir, халқ кучdir,*

*Халқ исёнdir, халқ оловdir, халқ ўчdir...*

*Халқ құзғолса, күч үйкедурким, тұхтатсун,*

*Күвват үйікким, халқ истагин үйік әтсун.*

*Халқ исёни салтанатни үйік қилди,*

*Халқ истади: тоғызы таҳтлар үйқилди.*

*Халқ истаги озод бўлсун бу ўлка,*

*Кетсун унинг бошиндаги қўланка.*

*Бир қўзғалур, бир кўпирар, бир қайнар,*

*Бир интилур, бир ҳовлиқар, бир ўйнар.*

*Йўқликни-да, очликнида үйік әтар,*

*Ўз юртини ҳар нарсага тұйқ әтар...*

*Бутун кучни халқ ичидан олайлик,*

*Кучоқ очиб халқ ичига борайлик.*

Ҳамма бало истиқолни йўқотганимизда. Сўнгги хонларнинг «эл ва юртни сақлар учун» «тузуккина чора, тадбир қилмаган»лигига. Шунинг учун ҳам:

*Биз, үйқисиллар бошқаларга құл бўлиб,*

*Чет оёқлар товонида эзилдик,*

*Ҳар ярамас, ҳар бузуқнинг тагида*

*Алам тортган, жабр кўрган биз эдик.*

Шунинг учун ҳам шоир «Эски олам»ни, буюк боболар даврини қўмсайди. Ёруғ юлдузга мурожаат этиб, уни «Эски олам»га «олиб бор»ишини, барча сирларни очиб ташлашини, «яширин ётган пардаларни, зулматни» «нури билан» «йиртиб юбор»ишини ил-тижо қилади. «Эски олам» буюк боболар даврини, биринчи нав-батда, Амир Темур замонасини, миллатнинг мустақил, қаддини тик тутиб, бошини баланд кўтариб юрган пайтларини қўмсаш ва унга интилиш эди. Иккинчи томондан, Амир Темур номи кураш тимсоли эди.

Миллат ва Ватан тимсоли шоир шеърларида хилма-хил тарзда намоён бўлади.

Масалан, уни гўзал ёр («Гўзал»), ҳатто бинафша («Бинафша») қиёфасида ҳам учратиш мумкин.

Чўлпон шеъриятининг севимли мавзуларидан бири хотин-қизлар озодлигидир. У бу масалани истиқол учун курашнинг таркибий қисми деб билади. Шоир наздида истибдоднинг энг оғир юки улар зиммасига тушган эди. Биргина мустамлакачилик эмас, ўз ичимиздаги мутаассиблик, жаҳолат азобини кўпроқ улар тортди. Улар тилидан айтилган:

*Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,*

*Ўйнаган бошқалар, инграган менман.*

Эрк эртакларини эшишган бошқа,  
Куллик қўшигини тинглаган менман...

Ҳар шеърида эрк, озодлик, адолат истагини, халқнинг хуқуқдарини, мустақилликка элтгувчи маънавият сўқмоқларини Чўлпон шоирнинг нечоғлик чукур идрок этгани айниқса, бугунги истиқлол авлодларини ҳайрат ва ҳаяжонга солади. XX аср тонгидаги ўзбек адабиётининг энг ёркин юлдузи — Чўлпони бўлса-да, унинг юлдузлик хуқуқи аср охирларига келиб тикланди. Бу муборак эътироф, тикланиш унинг ўзи орзулаган ва жон тиккан Мустақилликнинг— «қутилиш тонгининг нури», хушхабари бўлди.

Истиқлол ва Чўлпон. Ўзбеклар учун бу номлар эгиз, ҳамоҳанг номлар. Истиқлол ва Чўлпон довонлар ошмокқа, янги авлодларга сабоқ бермокқа, баралла янграмоққа ва порламоққа ҳақли-хуқуқлидирлар:

Тўfonim элни босар,  
Турмуш тоғларин ошар  
Ва ўлмас, мангу яшар!..

## REFERENCES

1. Тохир Шермуродов."Чўлпоннинг чўлпонлик хуқуқи".T-1995 йил.
2. Бегали Қосимов. "Абдулҳамид Чўлпон".T-2015.
3. Gadayeva, M. (2025). ABDULHAMID CHOLPONNING JADIDCHILIK HARAKATIDAGI ORNI. *Modern Science and Research*, 4(2), 1013-1019.
4. Gadayeva, M. (2025). TURKISTONLIK GENERAL AYOL, MILLAT ONASI-QURBONJON DODXOHNING MARD, JASUR VA VATANPARVARLIGI HAQIDA. *Modern Science and Research*, 4(1), 344-352.
5. Muxamedovna, G. M. (2024). PARANJI TARIXI, YOXUD O'RTA ASR AYOLLARINING KIYIMI HAQIDA.
6. Sadullayev, U., Gadayeva, M., & Toshpo'latova, S. (2024). MAHALLA-QADRIYATLAR BESHIGI. *Modern Science and Research*, 3(12), 1228-1238.
7. Muxamedovna, G. M., Shuhratovna, T. S., & Shokir ogli, S. U. TARIX FANLARINI OQITISHDA MUZEYLARNING ORNI.
8. Gadayeva, M. (2024). MARKAZIY OSIYODA JADID AYOLLARI TARIXI. *Modern Science and Research*, 3(12), 652-658.
9. Toshpo'latova, S., Gadayeva, M., & Sadullayev, U. (2024). SHARQ ALLOMALARINING DIDAKTIK QARASHLARI. *Modern Science and Research*, 3(12), 985-993.

10. Muxamedovna, G. M. (2024). Millatimiz Faxri-Buxoro Ma'rifatparvari. *Miasto Przyszłości*, 52, 557-562.
11. Muxamedovna, G. M. (2024). TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINING O 'RNI. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHЛИI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 4(5), 97-102.
12. Mukhamedovna, G. M. (2024). The Sad Fate Of The Women Of Turkistan: About The "Hujum" Movement And Its Impacts On Agriculture. *SPAST Reports*, 1(7).
13. Muxamedovna, G. M. (2023). MAKTABLARDА TARIX FANINI O'QITISH AHAMIYATI. *Научный Фокус*, 1(5), 178-180.
14. Muxamedovna, G. M. (2023). TARIX FANINI O'QITISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI. *Научный Фокус*, 1(5), 175-177.
15. Gadayeva, M., & Ismoilova, Z. (2024). The Importance Of Studying The Science Of Youth Psychology In Improving People'S Lives. *Modern Science and Research*, 3(2), 676-683.
16. Gadayeva, M., & Hamroqulova, N. (2024). The Basis Of The Use Of Development-Pedagogical Skills In Pedagogical Activity. *Modern Science and Research*, 3(2), 684-689.
17. Gadayeva, M. (2024). ABOUT THE HISTORY OF THE VEIL OR MEDIEVAL WOMEN'S DRESS. *Modern Science and Research*, 3(2), 1097-1103.
18. Gadayeva, M. (2023). THE UNIQUE SIGNIFICANCE OF MASTERING SOCIAL SCIENCES DURING THE DEVELOPMENT OF THE NEW UZBEKISTAN. *Modern Science and Research*, 2(10), 459-464.
19. Universiteti, G. M. M. O. X. (2023). Uchinchi Renesans Davrida Ajdodlarimiz Merosini Organish Orqali Integratsion Ta'limi Yanada Takomillashtirish Tamoyillari: Часть 1 Том 1 Июль 2023 Год. *Лучшие интеллектуальные исследования*, 1(1), 11-16.
20. Gadayeva, M. (2024). Attack Action. *Modern Science and Research*, 3(1), 1028-1033.
21. Gadayeva, M. (2024). Effective Ways To Use The "Thoughtstorm" Method On The Theme Of The "Eastern Renaissance" Era. *Modern Science and Research*, 3(1), 1024-1027.
22. Muxamedovna, G. M. (2023). KREATIV YONDASHUV ASOSIDA DIDAKTIK MATERIALLAR YARATISH MEXANIZMLARI. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 21(3), 12-14.
23. Muxamedovna, G. M. (2023). Uchinchi renesans davrida ajdodlarimiz merosini organish orqali integratsion ta'limi yanada takomillashtirish tamoyillari. *Образование наука и инновационные идеи в мире*, 22(1), 35-38.

24. Muxamedovna, G. M. (2023). History Of Patriotic Women. *International Journal Of History And Political Sciences*, 3(12), 69-75.
25. Muxamedovna, G. M. (2023). Innovatsion TaLim-Buyuk Kelajak Poydevori. *World scientific research journal*, 17(1), 74-76.
26. Gadayeva, M. (2024). Effective Ways To Use The "Thoughtstorm" Method On The Theme Of The "Eastern Renaissance" Era. *Modern Science and Research*, 3(1), 1024-1027.
27. Gadayeva, M., Toshpolatova, S., & Muyiddinov, B. (2025). TARIX DARSLARINI OQITISHDA INTERFAOL METODLARNING AHAMIYATI. *Modern Science and Research*, 4(2), 87-96.
28. Toshpo'latova, S. (2025). FOROBIYNING DIDAKTIK QARASHLARI ASOSIDA O'QUVCHILARNI TARIX FANIGA QIZIQTIRISH METODIKASI. *Modern Science and Research*, 4(1), 177-186.
29. Toshpo'latova, S., Gadayeva, M., & Sadullayev, U. (2024). SHARQ ALLOMALARINING DIDAKTIK QARASHLARI. *Modern Science and Research*, 3(12), 985-993.
30. Gadayeva, M., Toshpolatova, S., & Sadullayev, U. (2024). TARIX FANLARINI OQITISHDA MUZEYLARNING ORNI. *Modern Science and Research*, 3(12), 994-1003.
31. Sadullayev, U., Gadayeva, M., & Toshpo'latova, S. (2024). MAHALLA-QADRIYATLAR BESHIGI. *Modern Science and Research*, 3(12), 1228-1238.
32. Toshpo'latova Shaxnoza Shuhratovna. (2024). ILK UYG'ONISH DAVRI NAMOYONDALARNING DIDAKTIK QARASHLARI ASOSIDA O'QUVCHILARNI TARIX FANIGA QIZIQTIRIS METODIKASI. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14520996>
33. Toshpo'latova, S. (2024). TARIX FANINI O'QITISHDA SAMARALI METODLAR. *Modern Science and Research*, 3(11), 774-782.
34. Тошполатова, Ш. (2024). THE PRESENT IRANIANS. Журнал универсальных научных исследований, 2(5), 453-462.
35. Toshpo'latova, S. (2024). BUXORODAGI SAROYLAR. *Modern Science and Research*, 3(5), 522-529.
36. Toshpo'latova, S. (2024). O'RTA ASRLARDA OILA PEDAGOGIKASIGA OID FIKRLAR. *Modern Science and Research*, 3(12), 353-361.
37. Toshpo'latova, S., & Xudoyqulov, S. (2024). History And Ethnology Of Olot District. *Modern Science And Research*, 3(5), 148-151.
38. Toshpo'latova, S., & Jo'rayeva, M. (2024). HISTORY AND ARCHITECTURAL MONUMENTS OF JONDOR DISTRICT. *Modern Science and Research*, 3(2), 447-450.

39. Qizi, R. S. S., Shukhratovna, T. S., & Karamatovna, M. A. (2024). Implementation of Education and Protection of Children's Rights in the age of Technology. SPAST Reports, 1(7).
40. Shuhratovna, T. S. (2024). Linguistic Anthropology. European Journal Of Innovation In Nonformal Education, 4(3), 432-437.
41. Toshpo'latova, S. S., & Naimov, I. N. (2023). MS ANDREYEV–O’RTA OSIYO XALQLARI ETNOGRAFIYASINING YIRIK OLIMI. Innovations in Technology and Science Education, 2(8), 1214-1222.
42. Toshpo'latova, S., & Tursuntoshova, S. (2024). Khoja Abdulkholiq Gijduvani. Modern Science and Research, 3(2), 87-93.
43. Toshpo'latova, S. (2024). Ethnolinguistics Of Ethnologies Of Bukhara. Modern Science and Research, 3(2), 1004-1011.
44. Toshpo'latova, S. (2024). Ethnolinguistics. Modern Science and Research, 3(2), 500-507.
45. Toshpo'latova, S. (2024). Religious Anthropology. Modern Science and Research, 3(1), 504-510.
46. Shakhnoza Shuhratovna, T. (2023). MS Andreyev'S Way Of Life. American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769), 1(10), 655-659.
47. Shuhratovna, T. S. (2023). Ethnological Analysis Of National Costumes And Rituals Of Tajiks In The Works Of MS Andreyev. International Journal Of History And Political Sciences, 3(12), 42-47.
48. Toshpo'latova, S. (2023). MS Andreyev-Scientific Career. Modern Science and Research, 2(12), 801-807.
49. Shuhratovna, T. S. (2023). Etymology Of Tajik Marriage Ceremony. International Journal Of History And Political Sciences, 3(11), 17-23.
50. Toshpo'latova, S., & Ashurova, G. (2023). THE HISTORY AND DESCRIPTION OF THE WORK OF MS ANDREYEV- " ARK BUKHARI". Modern Science and Research, 2(9), 404-409.
51. Toshpo'latova, S. (2023). ETHNOLOGICAL ANALYSIS OF CALENDRICAL CALCULATION AND LENGTH MEASUREMENTS OF KHUF VALLEY TAJIKS IN THE RESEARCHES OF MS ANDREYEV. Modern Science and Research, 2(10), 291-299.
52. Toshpo'latova, S. (2023). A STUDY OF THE WEDDING CEREMONY OF THE TAJIKS OF AFGHANISTAN. Modern Science and Research, 2(9), 84-89.

53. Naimov, I., & Toshpo'latova, S. (2023). Marriage Ceremony Of Tajiks In The Work Of Mikhail Stepanovich Andreyev "Tadjiki Dolini Khuf". International Journal of Intellectual Cultural Heritage, 3(1), 12-16.
54. Toshpo'latova, S. S. (2023). Tojiklar Milliy Kiyim-Kechaklari Va "Beshmorak" Marosimining Etnologik Tahlili. Scholar, 1(28), 395-401.
55. Toshpo'latova, S., & Hoshimova, M. (2025). BERUNIY VA UNING DIDAKTIK QARASHLARI. Modern Science and Research, 4(1), 344-351.
56. Toshpo'latova, S. (2024). ILK UYG'ONISH DAVRI NAMOYONDALARNING DIDAKTIK QARASHLARI ASOSIDA O'QUVCHILARNI TARIX FANIGA QIZIQTIRISH METODIKASI. Modern Science and Research, 3(12), 643-651.
57. Muyiddinov, B., Toshpo'latova, S., & Gadayeva, M. (2025). TEMURIYLAR DAVRIDA KUTUBXONACHILIK, HUJJATCHILIK VA ISH YURITISHNING O'ZIGA XOSLIGI. Modern Science and Research, 4(2), 97-105.
58. Toshpo'latova, S., Gadayeva, M., & Muyiddinov, B. (2025). BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK TAYYORGARLIGINI TARKIB TOPTIRISH MODELI. Modern Science and Research, 4(2), 106-116.
59. Gadayeva, M., Toshpolatova, S., & Muyiddinov, B. (2025). TARIX DARSLARINI OQITISHDA INTERFAOL METODLARNING AHAMIYATI. Modern Science and Research, 4(2), 87-96.
60. Toshpo'latova, S. (2025). O'QITUVCHILARNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK TAYYORGARLIGINI TARKIB TOPTIRISH MODELINING MAZMUNI VA AHAMIYATI. Modern Science and Research, 4(2), 581-590.
61. Sayfutdinov F., & Sharipov D. (2025). CENTRAL ASIAN INTEGRATION: HISTORICAL DEVELOPMENT AND PROSPECTS. *Journal of Universal Science Research*, 3(1(Special issue)), 300–304. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/universal-scientific-research/article/view/65623>
62. Ilniyazovich, S. F. (2023). RAQAMLI TEXNOLOGIYALARНИNG TARIX FANINI O'QITISHDAGI AHAMIYATI.
63. Ilniyoz o'g'li, S. F. (2023). ETNOGRAFIK TADQIQOTLARDA QORAQALPOQ XALQINING YORITILISHI.
64. Ilniyazovich, S. F. (2024). The Formation of Preliminary Knowledge about the People of Karakalpak. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 4(3), 149-155.

65. Sayfutdinov, F. (2024). BUXORO AMIRLIGINING QURILISH TARIXI: MADANIY VA ARXITEKTURA TARAQQIYOTI MEROSSI. *Modern Science and Research*, 3(12), 852–858.
66. Sayfutdinov Feruz Ilniyoz o'g'li. (2023). XX ASR 2-YARMI XXI ASR BOSHLARI ZARAFSHON VOHASIDA ETNOSLARARO MUNOSABATLAR. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 3(9), 1–5. Retrieved from <https://sciencebox.uz/index.php/ajed/article/view/7941>
67. Sayfutdinov F. (2024). ILLUMINATION OF THE SPIRITUAL LIFE OF THE KARAKALPAK PEOPLE IN RESEARCH. *Journal of Universal Science Research*, 2(5), 441–452. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/universal-scientific-research/article/view/34891>
68. Sayfutdinov F. (2024). MANG'IT AMIRLARI DAVRIDA BUXORO AMIRLIGI ME'MORCHILIK SOHASI RIVOJI. *Modern Science and Research*, 3(10), 620–629. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/45335>
69. Ilniyazovich, S. F. (2024). Historiography of Various Expeditions and their Results in the Regions Inhabited by Karakalpaks in the First Half of the 20th Century. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 4(9), 159–165.
70. Sayfutdinov Feruz Ilniyoz o'g'li. (2023). XIX ASRDA XONLIKLARNING O'ZARO SAVDO MUNOSABATLARI. *JOURNAL OF SCIENCE, RESEARCH AND TEACHING*, 2(8), 111–114. Retrieved from <http://jsrt.innovascience.uz/index.php/jsrt/article/view/284>
71. Sayfutdinov, F. (2023). ILLUMINATION OF KARAKALPAK PEOPLE IN ETHNOGRAPHIC STUDIES. *Modern Science and Research*, 2(12), 910–917. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/27281>
72. Sayfutdinov, F. (2024). HISTORIOGRAPHY OF INFORMATION ABOUT THE POPULATION OF THE ZARAFSHAN OASIS. (20TH CENTURY). *Modern Science and Research*, 3(2), 911–914. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/29503>
73. Sayfutdinov, F. (2024). ETHNIC COMPOSITION OF THE ZARAFSHAN OASIS (2ND HALF OF THE 20TH CENTURY). *Modern Science and Research*, 3(1), 577–581. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/28335>
74. Sayfutdinov Feruz Ilniyozovich, (2023). LAND OWNERSHIP RELATIONS BASED ON THE NATIONAL ECONOMY OF KARAKALPAK. *International Journal Of Literature And Languages*, 3(11), 20–27. <https://doi.org/10.37547/ijll/Volume03Issue11-04>